Адабиётлар

1. Каримов И.А. "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжати – резолюцияси. /"Халқ сўзи" 2012 йил 22 февраль.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. / "Халқ сўзи" 2016 йил 8 декабрь. № 243(6678).
3. Попов В.В. Креативная педагогика. В энциклопедическом словаре «Техническое творчество: теория, методология, практика». (Под ред. А. И. Половинкина, В. В. Попова). - М.: «Логос», 1995. -С. 165-167.
4. Torrance E. P. Guiding creative talent. Englewood Cliffs. NY: Prentice-Hall. 1964. -С. 125-126.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида мактабгача таълим муассасалари педогог ходимларининг креативлик фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари, шартлари ва алоҳида хусусиятлари назарий ва амалий жиҳатдан, билишнинг илмий таҳлил услуби асосида ёритиб берилди.

РЕЗЮМЕ

В настоящей статье на основе научного анализа с теоретических и практических позиций освещены вопросы, условия и особенности формирования и развития качеств креативности у педагогических работников дошкольных образовательных учреждений в процессе реформ, осуществляемых в системе образования нашей страны.

SUMMARY

In this article, on the basis of scientific analysis, issues, conditions and peculiarities of the formation and development of the qualities of creativity among teachers of pre-school educational institutions in the process of reforms implemented in the education system of our country have been studied from theoretical and practical positions.

ФАН ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЛЛАШГАН ҲОЛДА ЎҚИТИШ (CLIL) ДАРСЛАРИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ

М.Хусанова – *ўқитувчи*
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: CLIL, ўқитувчи маҳорати, CLIL дарсларида ўргатиш ва ўқитишдаги муаммолар.
Ключевые слова: CLIL, компетентность преподавателя, проблемы преподавания и обучения на уроках CLIL.
Key words: CLIL, teacher 's competence, teaching and learning problems in CLIL classes.

Мамлакат тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири, шубҳасиз таълим тизими, илм-фан ва технологияларнинг рақобатбардошлик даражаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг устувор йўналишларидан бири халқаро таълим стандартларига мувофиқ барқарор давлат таълим тизимини модернизация қилиш хисобланади. Сўнгги ўн йил давомида таълим соҳасини ривожлантириш ва инновациявий таълим дастурларини яратишда мавжуд барча мутахассисликларни тайёрловчи ОТМларнинг халқаро ҳамкорликлар ўрнатишларида ҳамда таълим сифатини оширишда кўмак олишлари учун хорижий тилни билувчи соҳа мутахассисларига эҳтиёж ортди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 декабрдаги "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-1875-сон қарорида баркамол, интеллектуал, илғор фикрловчи авлодни тарбиялашда чет тилларни ўқитиш ва ўрганишнинг замонавий тенденцияларига риоя қилиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун бугунги кунда, аввало, фан ва тилни интеграллашган ҳолда ўқитиш ёндашувини тарғиб қилиш, яъни CLILдан самарали фойдаланиш ва ўз касбининг моҳир устаси бўлган мутахассисларни жалб этишни тақозо этади.

Ўқув дастурида белгиланган муайян фанларни халқаро ёки майда тилларда ўқитиш тизими Европанинг қатор мамлакатларида бир неча ўн йиллар олдин йўлга қўйилганлиги маълум. Тизим самарали натижа бериши учун икки мақсадни яъни маълум бир тилда бирор фанни ўқитишни ўзи ичига олган ёндашув ишлаб чиқиш ва шу асосида таълим бераётган педагогнинг маҳоратини ошириш замон талабига айланди.

1994 йилда Давид Марш томонидан таклиф этилган CLIL ёндашуви ушбу мақсадга эришиш учун инновацион методик платформа бўлиб хизмат қилди ва кўп мамлакатларда кенг қўлланила бошланди [2].

CLIL дарсларининг муваффақиятли ташкил этилишида педагогнинг ўрни биринчи даражали бўлиб, у, Оксфорд Университети профессори Г. Витти санаб ўтган қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши даркор, хусусан, юксак касбий сифат ва фазилатга, касбий маҳоратга, кўникма ва малакаласини ошириб боришга тайёр, нутқ маданиятига, дарсни қизиқарли ва мазмунли ташкил эта оладиган, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини ривожлантира олиши лозим [4:86-97].

Шунга асосан, CLIL дарсида ўқитувчининг энг муҳим вазифаларидан бири, муайян мавзуга доир билимларни чуқур билиш, уларни чет тилда пухта ўргатиш ва меҳнат фаолияти давомида қўллашга кўмаклашишдир. Мисол учун, математика ва инглиз тили иккита мустақил фан бўлиб, ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Инглиз тили дарсининг асосий мақсади коммуникатив қобилият ва эркин мулоқот қила олиш қобилиятини шакллантириш бўлса, математика фанининг асосий ғояси эса математик фикрлашни ривожлантиришдан иборат [7:38-43]. Выготский (1986) нинг талқинига кўра, фикрлаш ўз ичига маълум сўзлар тушунча ва атамаларни тўғри қўллай олишни олади, нутқ эса фикрлашни шакллантирувчи воситадир. Шунинг учун ҳам математикани чет тилини интеграллашган ҳолда ўргатиш математик усулда гапириш, яъни математикларнинг тилини ўрганиш усулларини ўзлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

CLIL ёндашувидан фойдаланишда мутахассис ўқитувчи ўз фанидан ташқари чет тилини ҳам мукаммал билиши талаб этилади. Бу ҳолатда ўқувчилар билан мулоқот жараёнида билингвизмни инкор этмаслик керак, чунки CLIL нинг биринчи босқичида бу вазиятларнинг учраши табиийдир. Ўқитувчининг кейинги вазифаси, дарс давомида ишлатиладиган содда синф тилини ва кўрсатмаларни ўқувчиларнинг ёши, чет тилини билиш даражасини ҳисобга олиб, дарсда кутилмаган тил ўрганиш ҳолатларини яратишдан иборат. Бу албатта ўқувчининг махсус мавзуларда мулоқот компетенциясини шакллаштиришга хизмат қилади. Албатта бу ҳолат тил билан бирга ўрганилаётган фан билан бевосита боғлиқ бўлиши ўқувчиларнинг мазкур фан бўйича билим ва кўникма-

ларини оширади.

Хорижий мутахассисларнинг тажрибаларини ўрганишимиз натижасида аниқландики CLIL ёндашувини қўллаётган педагогдан доимий равишда интерактив таълим услубидан кўргазмали ва мултимедиа воситаларидан фойдаланиш талаб қилинади. CLIL ёндашуви когнитив ва метакогнитив (идрок жараёни ва унинг турлари) фаолиятни сезиларли даражада фаоллаштириш ва ғоявий-назарий қарашларга таъсир қилиш имкониятларини кенгайтиради. Маълумки, турли тилларда фикр юритиш турли хил ғояларни ўзида мужассамлаштирган қарашларни тушунишимизга ёрдам беради. Бу эса, ушбу ёндашувни қўлловчи ўқитувчиларнинг малакасини оширишда катта эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан биридир. Когнитив қобилиятларидан қатъий назар барча ўқувчилар CLIL ёндашувида бир хил манфаатдор бўлишади.

Таъкидлаш жоизки, CLILнинг афзалликларга қарамай, тил ўқитишда таълимнинг энг устувор ёндашуви деб қаралмаслиги лозим. Хорижий тилларни номутахассислик фанларини ўқитишдаги энг илғор ёндашув ESP нинг самарали натижа беришида CLIL ёндашувини ҳам аҳамиятли деб ҳисоблаймиз. Қуйида биз CLIL дарсларида ўқитувчи вазифасини графикаси бердик:

Шунингдек CLIL қўлланилган дарс давомида ўқитувчи қуйидаги роль ва вазифаларни бажаради:

- дарс режасини ишлаб чиқувчи стратег;
- ўқув дастуридаги фанларни чет тилида эркин ва батафсил тушунтира олувчи шахс;
- фан бўйича ўқув-метод материалларни ишлаб чиқувчи услубчи;
- ўқувчиларни билим ва кўникмаларини назорат қилувчи ва баҳолашни амалга оширувчи шахс;
- ўқувчиларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, ва амалий кўникмаларини ривожлантириш йўлларини излаб топадиган услубий инноватор;

CLIL ёндашувидан фойдаланган ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратининг асоси ҳисобланган қуйидаги тўртта компонентни пухта билиши лозим: [6:15].

CLIL ёндашувида ўқитувчининг яна бир вазифаси ўқувчи ўзига энг мақбул инвидуал билим олиш усулини танлай олишига ва фанга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу жараёнда педагог ўқувчининг билим олиш жараёнига салбий таъсир қилувчи тўсиқларни ўрганиши, уларни минималлаштириши ва қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам берадиган турли хил самарали таълим стратегияларидан фойдаланишни таклиф қилиши керак [1: 249-266].



CLIL дан фойдаланишда ҳиссиёт ва когнитив фаолият билан боғлиқ ўқувчи шахсиятига доир тўсиқлар кузатилади. Психологлар Джером Сеймур Брунер ва Роберт Гагне́ когнитив типдаги тўсиқларнинг хусусиятларини ўрганган. Унга кўра, дарс давомида олинган янги билим ва кўникмалар когнитив категориялар тоифасига киради. Агар янги олинган билим аввалгиси билан мос келмаса, аввалги билимлар автоматик равишда блокланади ва натижада ўқувчида нотўғри тушунчалар ҳосил бўлади. Бундан ташқари, катта ёшдаги инсонларда ноаниқлик туфайли руҳий қўрқув ҳисси ва кўп ўйлаш каби хусусиятлар кузатилади. Ўқувчиларда гипотетик фикр юритиш (фараз қилиш ва прогнозлаш) қобилиятини ривожлантириш учун ўқитувчи дарсда мавҳум тушунчаларга доимо аниқлик киритиши лозим.

Юқорида келтириб ўтилган тўсиқлар бошқа метод ва ёндашувларда ҳам кўринади. Улардан баъзилари CLIL дарсида кўпроқ, бошқалари эса камроқ бўлади. Асосан, ноанъанавий ва инновацион таълим усуллари ва янги техникадан қўрқадиган ўқувчилар билан ишлайдиган ўқитувчилар бу каби тўсиқларга кўпроқ дуч келишади. CLIL фойдаланувчиси ўқувчининг шахсиятига нисбатан ҳушёр бўлиши, интерактив ва ноанъанавий бўлган усулларни қўллаб ўқувчининг таълимдаги салбий тажрибасини ўзгартириши мумкин.

Л.С.Выготскийнинг мулоҳазасига кўра, малакали CLIL фойдаланувчиси қуйидаги услубий мезонларни инобатга олиши зарур: [4:146-154].

Контент билан ишлаш: CLIL фойдаланувчиси дарс давомида ишлатиладиган тилнинг турини ва миқдори билиши, контент билан боғлиқ тил элементларнинг мазмунини чуқур англаб етиш ва уларни содда йўл билан тушунтириши лозим. Бу жараёнда, ўқитувчи имо-ишоралар, мимика, ҳаракатлар, кўргазмали материаллар, реалиалар каби хилма-хил воситалардан фойдаланади. CLIL фойдаланувчиси равон гапириш, топшириқларни қисмларга тўғри ажратиши ва ҳар бир қисм учун ўз вақтида кўрсатмалар бериши керак.

Ўқувчилар билан ишлаш: CLIL фойдаланувчиси икки тилда гапирувчи ўқувчилар билан ишлашда дуч келадиган қийинчиликлар ва ўрганиш жараёнига ҳалақит берадиган тўсиқларни енгиб ўтишга интилиши керак. Ўқувчиларнинг индивидуал эҳтиёжларини инобатга олиши ва уларнинг фаоллигини шакллантириши лозим.

Муайян чет тилида тайёгарликсиз равон гапириш, хорижликлар билан мулоқот қилиш жараёнида иккала томон учун ҳам қийинчилик туғдирмайдиган даражада тез гаплашиш ва турли мавзуларда аниқ, батафсил хабарлар тузиш, инсоннинг чет тилини билиш даража-си юқори эканлигини кўрсатади.

CLIL ёндашувида ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларни дарс жараёнига жалб қилиш, уларга фан ва тилнинг ўзаро боғликлигини тушунтириш, шерик бўлиб ишлаш ва бир бирини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчининг мақтови ва эътиборини ўқувчи юқори ўринга қўяди ва бу дарс жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, тўсиқларини бартараф этишга ёрдам беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21-август даги “Ўзбекистон Республикасида Халқаро Мактаб Ташкил Этиш Тўғрисида” 328-сон қарорига мувофиқ мамлакатимизда қатор халқаро мактаблар ташкил этилган. Ўқитиш “Таълим тўғрисида”ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилиб, ўқув режадаги барча фанлар инглиз тилида олиб борилади. Бир неча йиллар давомида инглиз тилида илғор фикрловчи, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятига эга ўқувчиларни тайёрлаб келаётган ушбу

мактаблар тажрибаси таълим тизимидаги фанларни CLIL ёндашуви асосида хорижий тилда ўқитиш самарали натижа берганлигини кузатдик.

Сўнгги йиллар ичида инглиз тилини иккинчи хорижий тил сифатида ўргатиш бўйича катта ютуқларга эришилди. Ўқув дастурларидаги фанларни ўқитиш бўйича кўплаб инновацион технологиялар қўлланила бошланди. Бу эса ўз ўрнида таълим сифати, хусусан, тилларни ўқитиш самарадорлигини оширди. Бизнинг ўрганишларимизга кўра таълимда Фан ва тилни интеграллашган ҳолда ўқитиш ёндашуви асосида дарсларни ташкил этиш ўқувчиларда чет тилида турли мавзуларда эркин танқидий фикр юритиш компетенциясини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. De Corte, E. 2000. Marrying theory building and the improvement of school practice: a permanent challenge for instructional psychology. Learning and Instruction, 10, -P. 249-266.
2. Marsh, D. 2002. CLTL / EMILE – the European Dimension: Actions, Trends and Foresights Potential [Electronic resource] / D.Marsh // Brussels: The European Union. -URL: http: //userpage.fu-berlin.de/elc/bulletin/9/en/marsh.html.
3. Rogers, A.1996. Teaching Adults. Blocks to learning. Open University Press. -P. 204-219.
4. Vygotsky, L.1962. Thought and Language. Cambridge, MA, MIT Press. -P. 146-154.
5. Whitty, G. 1996, 'Professional Competences and Professional Characteristics: The Northern Ireland Approach tot he Reform of Teacher Education' in D. Hustler and D. Mclntyre (eds) Developing Competent Teachers, London: David Fulton, -P. 86-97.
6. Xoliqov A. 2011. Pedagogik mahorat. –Toshkent: "Iqtisod-moliya", 15-b.
7. Zazkis R. 2000. Using Code-Switching as a Tool for learning Mathematical Language. -P. 38-43.

РЕЗЮМЕ

Мақолада, фан ва тилни интеграллашган ҳолда ўқитиш (кейинги ўринларда CLIL атамаси қўлланилади) дарсларида ҳар бир ўқитувчи дуч келадиган асосий муаммолар ва уларни бартараф қилишда ўқитувчининг маҳоратига эътибор қаратилади.

РЕЗЮМЕ

Данная статья рассматривает препятствия, с которыми сталкивается каждый преподаватель, при использовании подхода CLIL в классе, а также компетентность преподавателя преодолевать потенциальные барьеры, которые могут замедлить процесс обучения.

SUMMARY

The article focuses on the basic impediments that every teacher faces while using CLIL approach in the classroom and on a teacher's competence to overcome potential barriers that may linger learning and teaching process.

БАЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСЫН РАЎАЖЛАНДЫРЫЎДА ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ АЎЫЗ ЕКИ ДӨРЕТПЕЛЕРИНИҢ ТУТҚАН ОРНЫ

Л.А.Ибрагимова - *еркин излениўши*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: мактабгача тарбия ёшидаги болалар, болалар психологияси, психологизм, мантиқий ўргатиш, бадиий психологизм, эстетик таъсир, болалар фольклори, эстетик тарбия, психологик ривожлантириш воситаси, фольклор ва тарбия.

Ключевые слова: дети дошкольного возраста, психология детей, психологизм, обучение логике, художественная психология, эстетическое влияние, детский фольклор, эстетическое воспитание, средства психологического воспитания, детский фольклор и воспитание.

Key words: children of preschool age, psychology of children, psychologion, teaching logics, artistic psychology, aethetik influence, children's folklore, aesthetic up bringing, the means of psychological development, childre's folklore and education.

Қарақалпақ халық аўыз-еки дөретпелериниң тәлим-тәрбия жөнелисинде тутқан орны ҳаққында педагогика теориясы ҳәм педагогика тарийхы аспектинде бир қатар арнаўлы изертлеўлерде [1,4,5,6] жүдә қызықлы пикирлер билдирилген. Ҳақыйқатында да, халық аўыз еки дөретпелери жүдә ерте дәўирлерден баслап қәлиплесип, бизиң бүгинги күнимизге шекем өзиниң раўажланыў жолын даўам еттирип киятырған бай мәдений-әдебий ғәзийнемиз саналады. Бул дөретпелердиң киши жанрларынан баслап үлкен көлемдеги дәстанларға шекем халқымыздың мәдений турмысында өзиниң әҳмийетли орнына ийе. Әсиресе, бизиң келешегимиз болған жас әўладты тәрбиялаўда, олардың сана-сезимин, ой-өрисин раўажландырыўда әўызеки әдебий шығармалардың үлкен орын тутатуғынлығы барлығымызға мәлим.

Фольклорлық шығармалар пайда болыў дәўирлеринен баслап балалар психологиясына терең тәсир етип, олардың кәмил инсан дәрежесинде өсип жетилисиўинде әҳмийетли функцияны атқарып келген. Мәселен, бесик жыры, балалар қосықлары, салт-дәстүр қосықлары, нақыл-мақаллар, жаңылтпаш ҳәм жумбақлар балаларды киши жасынан баслап тәрбиялаўда белгили дәрежеде хызмет атқарған. Ал, ертеклер ҳәм дәстанлар тәрбия қуралы сыпатында үлкен жастағы балалар ушын көплеп дөретилген. Бул шығармаларды дөретиўшилер үлкен жастағылар менен бир қатарда балалардың да психологиялық талғамын қабыл етиў, түсиниў ҳәм сезиў мүмкиншиликлерин есапқа алған ҳалда дөреткен ҳәм халық арасында аўыздан-аўызға өтип тарқалған.

Бүгинги биз жасап турған дәўир информация тармақларының раўажланған, балалар санасын ҳәр тәреплеме раўажландырыўда кең мүмкиншиликлер жаратылған дәўир болса да, ата-бабаларымыздан мийрас болып киятырған аўызеки дөретпелер де еле өз қәдирин жойтқан жоқ. Олар мектепке шекемги жастағы балалардың психологиясын раўажландырыў қуралы сыпатында пайдаланылып киятыр. Бул бағдарда көркем шығармалардағы қаҳарман психологиясының, яғный психологизмлердиң тутқан орны айрықша. Себеби, психологизм - көркем шығармаларда қаҳарманлардың ишки руўхый дүньясын, олардың әдеп-икрамлық белгилерин ашып бериўши көркем сүўретлеў қуралы болып табылады [2:170].

Демек, ҳәр қандай көркем шығармада қатнасыўшы қаҳарманлардың әдеп-икрамлық нормаларының жүзеге шығыўы оқыўшыда да белгили бир психологиялық тәсир етиў күшине ийе болады.

Қарақалпақ халқының өткен әсир даўамында дөреткен аўызеки әдебиятының барлық жанрларында халық турмысы өз сәўлелениўин тапқан. Оларда халықтың түпкиликли арзыў-әрманлары көрсетилип ғана қоймастан, бул әрманларға жеткергендей сезимталлы лирика менен ҳәр бир уғымды балаларға қонымлы етип, шебер жеткере билиў ата-ананың балаларға берген ўәсиятнамасы ретинде көринеди.

Балалар фольклоры «Бесик жыры»нан басланады. Оларды аналар атқарғаны менен негизги тәсир күши балалардың санасына бағдарланған. «Бесик жырын»дай нәзик сезимлерге толы қосықларды тыңлап ата-анасына, елине деген сүйиспеншилик, меҳрибанлық сезимлери менен өседи. Демек, баланың психологиясын раўажландырыў оның нәрестелик пайытынан басланады.